

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**309** «Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2656-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 январдаги 3-мх ва 22-сон «Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2656, 2015 йил 17 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 84-модда) муқаддимасидаги «1995 йил 21 ноябрдаги 440-сонли «Таълим муассасалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига» деган сўзлар «2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 21 апреля,  
4-мх-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**309-модда**

**— 258 —**

**17 (777)-сон**

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 21 апреля,  
82-сон